



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

## ҚУЛАЙ ФУРСАТ КЕЛДИ

### Вилоятимиз деҳқонлари чигит экишни оммавий бошлаб юбордилар

Хар бир ишнинг ўз мавриди, вақт-соати бор. Минглаб деҳқонлар, пудратчи ва фермерларимиз катта мақсад ва режалар, яхши ниятлар билан кулаётган фурсат келди. Вилоятимиз бўйлаб чигит экиш оммавий бошлаб юборилди. Соҳа мутахассислари ва пахтачиликда бой тажриба, малака эгаллаган деҳқонларнинг эътироф этишича, вилотимиз шароитида ерга чигит қадаб олиш учун энг қулай, ҳам хар томонлама мақбул муддат апрелнинг 1-15 кунлари ҳисобланади. Ана шу давларда ҳаво қўпичча очик келиб, ҳарорат кўтарила бошлади. Тупроқнинг илқик даражаси ошди, чигитнинг меъёрида, вақтида уни олиши учун табиий шароит этилади. Шу боис, айни кунларнинг хар дақиқаси ганимат саналиб, мавжуд куч ва имкониятлар муҳим тадбирни рисоладагидек ташкил этишга йўналтирилди.

Албатта, мавсумни белгиланган муддатда, кўнгилдагидек якунлаб олишда техника ва зарур ускуна ҳамда механизмлар таъминоти муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун мавжуд техника воситалари мавсумга сифатли таъмирдан чиқарилиб, шай ҳолга келтирилди. Хусусан, экиш ишларида 900

онлик уста пахтакор, мохир раҳбар, Эргаш ота Ниёзов айтганидек, уруғликни танлай билмаган деҳқон, галвини сувдан кўтарар вақтда бошини ҳам қилиб, ер чизиб қолиши мўқаррар. Бу йилги уруғликни танлаш, сифатли тайёрлаш масалаларига катта эътибор берилди. Бунга соҳада сую-



## ИСЛОҲОТ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати тобора ривож топиб, жамиятнинг истиқболли мулкдорлари синфи шаклланиб бормоқда. Галдаги устувор вазифалардан бири, уларнинг яратилаётган имконият ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиб, эмин-эркин, самарали фаолият юритишларига қўмалашиш, тармоқ ривожини йўлида гов бўлиб турган сунъий тўсиқ ва муаммоларга батамом барҳам беришидир.

Олий Мажлис Сенатининг аграр-сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитаси бу борада изчил тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, ўзининг сайёр йиғилишларини жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ўтказмоқда. Ана шундай йиғилишларнинг навбатдагиси Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашида бўлиб ўтди. Уни кўмита раиси Гофур Алиев бошқарди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, вилоятдаги дахлдор бошқармалар, маҳаллий ҳокимликлар, нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳамда Кенгашнинг доимий комиссиялари раислари иштирок этдилар.

Кўмитанинг сайёр йиғилишида «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонун ва тармоққа оид бошқа муҳим меъёрий ҳужжатларнинг Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятлари бўйича ижроси билан бирга камчилик ва нуқсонлар, муаммоларни атрофича ўрганиб чиқди, — деди мажлисда сўз олган кўмита аъзоси, сенатор Ҳайрулла Иброҳимов. — Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, жойларда хали-ҳануз фермерлар оғирини енгил қилиш, ерга оид муносабатлар, инфратузилма шаҳобчала-

рини тартибга солишда ўзибўларчилиққа йўл қўйиб, муҳим масалаларга панжа ортидан қаралмоқда. Хусусан, деҳқон ҳақ-ҳуқуқи, манфаати поймол этилиб, контракция шартномалари вақтида бажарилмапти, аксарият ҳудудларда тендер комиссиялари фаолияти қониқарсиз, сифатли сервис хизмати шаклланмаган.

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда пахтанинг 66, галланинг 55 фоизи фермерлар улушига тўғри келмоқда. Қарийб 1 миллион киши шу тизимда меҳнат қилмоқда. Бу рақамлар вақт ўтиши билан янада салмоқли бўлиб бормоқда. Кўриниб турибдики, бу ҳаракат юртимиз аграр тармоғининг асосий таянчига айланади улгурди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар тармоқдаги изчил ислохотлар моҳияти ва уларни муқаммал амалга оширишнинг муҳим шарт ва вазифалари хусусида фикр юритдилар.

Мажлисда муҳокама қилинган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.



ерда 335 гектар майдонга чигитнинг «С-6524» нави экилиши режалаштирилган. — Хар бир севякамиз кунига 10-12 гектар майдонга уруғ қадамда, — дейди тажрибали механизатор Тоҳир Раимов. — Айниқса, ўтган йилги даромадимиздан сотиб олган севякамимиз хизмати қўл келмоқда. Тупроқ яхши этилган, об-ҳаво қулай келаётир, ёқилги-мойлаш ашёлари, уруғлик ва минерал ўғитлар таъминотида узлиши бўлмапти. Насиб бўлса, мавсумни биринчилар қаторида якунлаб олиш мақсадида.

Дарҳақиқат, ҳозирги хар бир кун ганимат. Қулай фурсатлар имкониятидан оқилона фойдаланиб, мавсумни юқори унумда, рисоладагидек ташкил этишимиз лозим. Ана шунда кўлаётган мўл ҳосилимиз сари дастлабки дадил о'димини ташлаган бўламиз.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

**СУРАТЛАРДА:** Экиш жараёнидан лавжа; Чиноз туманидаги «Гулзоробод» ширкат хўжалиги илгор механизатори Шўҳрат Марасулов.

**Даврон АҲМАД**  
олган суратлар.

## ТИКУВ ЦЕХИ ОЧИЛДИ

### Зангиота туманида яна бир тадбиркорлик тузилмаси фаолият бошлади

Ёш, изланувчан тадбиркор Адолат Раҳимова кўп йиллардан буён тикувчилик соҳасида ўз билимини, маҳоратини ошириб келади. Ниҳоят, унинг ташаббуси билан Навоий номи ширкат хўжалигида тикувчилик цехи очилди. Бу ерда 10 нафар хотин-қиз тиббиёт ходимлари учун 4,5 турдаги махсус кийимлар тикшимоқда.

**Хуррият МҶМИНОВА.**

## ВИЛОЯТ ХАЁТИ

### ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

#### Яқинда пойтахтимиздаги Фотокўргазмалар уйда ёш фотоҳаваскорларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилоятида яшовчи фотоҳаваскорлар ҳам муносиб иштирок этдилар. Жумладан, И.Йўлдошев (Чиноз), А.Вафоев (Қибрай), С. Цой (Ангрэн) маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда республика халқ ижодиёти марказининг фахрий ёриқларини билан тақдирланган

бўлса, Ш. Султонов (Оҳангарон) «Олтин мерос» хайрия жағмараси дипломига, М. Холмирозев (Зангиота) Тошкент фотосурат уйи гувоҳномасига, Р. Мирзақуллов (Уртачирчиқ) халқ ижодиёти марказининг раббатлантувчи мукофотларига сазовор бўлишди.

**Туроб НИЁЗ.**

## АДИБ ОҲАНГАРОНЛИКЛАР МЕҲМОНИ

#### Оҳангарон тумани ҳокимлигининг мажлислар залида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан учрашув бўлиб ўтди.

Мухлисларнинг истак ташкил этилган мазкур тадбирда оҳангаронлик маданият маърифат ва маънавият ҳамда кутубхона тизими ходимлари, ўқитувчилар ва мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Учрашувда сўзга чиққан Оҳангарон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Абдуҳошим Йўлдошев адиб ижо-

ди ҳақида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди. Ўз навбатида ёзувчи муҳлисларига миннатдорчилик билдириб, ижодидан баъзи намуналарини ўқиб берди ҳамда ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтарди. Учрашувда мактаб ўқувчилари адибининг «Алвидо болалик» қиссасидан сахна кўринишлари ижро этишди.

Ўз мухбиримиз.

## ФИЛЬМ — ОҒОҲЛИККА ЧОРЛАЙДИ

#### Юқоричирчиқ тумани «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда ўқув муассасаларида оғоҳликка даъват мавзуларида учрашувлар ташкил этилмоқда.

Учрашувларда асосий эътибор оғоҳлик ва ҳушёрлик бугунги куннинг энг долзарб мезони эканлигига қаратилмоқда. Шунингдек, уларда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратура-

си ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорлигида тайёрланган «Оғоҳ бўлинг» видеофильмининг намойиши ҳам ўтказилмоқда.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## БАҲСЛАР ҚИЗҒИН ТУС ОЛМОҚДА



#### Чирчиқ шаҳрида II умумармия ўйинлари давом этмоқда. 14 жамоа ўртасида қуръа ташланганидан кейин саралаш мусобақалари бошланди.

Дастлаб волейболчилар майдонга чиқди. Ҳарбий округ ва қисмлар ҳамда олий ҳарбий билим юр்தларининг жамоалари аъзолари кўплаб спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Мусобақаларда таниқли спортчилардан Вячеслав Перетейко ва Рамаддин Саидовнинг иштирок этаётганлиги ўйинлар кескин баҳслар асосида ўтишига сабаб бўлмоқда.

## МАҲАЛЛАДА ЭКОЛОГИК ҲАШАР

Ўтган дам олиш кунларида Қибрай тумани аҳолиси ободонлаштириш, дархатлар шохларини қирқиш ва оқлаш, суғориш тармоқларини тазалаш ишларини амалга оширди. Улар «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастури доирасида «Экосан» халқаро ташкилоти ва маҳаллий фуқаролар йиғинлари ташаббуси билан ўтказилган экологик ҳашарда иштирок этишди. Ҳашарда энг фаол қатнашган «Оққовоқ» маҳалласи ва туман марказий шифохонасига «Экосан» ташкилоти томонидан кийим-кечак, пойабзал, кўрпачушаклар ва дезинфекция воситаларидан иборат умумий қиймати 3 миллион сўмлик мурувват ёрдами топширилди.

Ў.А.

#### «Маҳалла» хайрия жағмараси вилоят кенгаши «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайловнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ўтказди.

## МАШҒУЛОТ ҚИЗИҚАРЛИ ҲАМ

Унда «Маҳалла», «Нуроний» жағмаралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбарлари ва фаоллари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, ташкилий-назорат гуруҳларининг раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди. Асосий эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига шу йил бўладиган сайловларни пухта тайёргарлик билан, демократик, ошқоралик ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти асосида ташкил этиш масалаларига қаратилди. Бўлажак сайловларнинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги маърузалар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**


#### Бу йил Асакадаги «ЎздЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар сонини 120 миңг донага етказиш кўзда тутилган. Буни амалга ошириш энг аввало корхона зарур бутловчи қисмлар билан узлуксиз таъминлашга боғлиқ.

## ТЕМИР ЙЎЛДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

Илгари Жанубий Кореяда тайёрланган эътиёт қисмлар мамлакатимизга фақат «Трансхитой» темир йўл магистрალი орқали келтирилди. Мамлакатимиз темир йўлчиларининг «Россия темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Трансконтейнер» филиали билан имзоланган шартномаси муқоабил асосида янги йўналиш очиб имкониятини берди. Контейнерларга юкланган жами 54 вагондан иборат поезднинг биринчи навбати «Трансибирь» темир йўл магистрალი орқали Асака шаҳрига қириб келди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, янги йўналиш тўртта давлат ҳудудини қамраб олган бўлиб, унинг узун-

лиги 9 миңг километри ташкил этади. Мазкур поезд юртимизга 11 кунда етиб келди. «Трансхитой» темир йўл магистрალი орқали олиб келинадиган контейнерлар одатда 20-25 кунда етиб келар эди. Ўзбекистон ва Россия темир йўлчиларининг ўзаро ҳамкорлигида вужудга келган янги йўналиш ана шундай бир қатор афзалликларга эга. Асосий буюртмачи ҳисобланган «ЎздЭУавто» компанияси келгусида ушбу йўналиш бўйича хар ойда ўртача 400 дона бутловчи қисмлар юкланган контейнерларни Ўзбекистон автомобилсозларига етказиб беришни режалаштирган.

«Туркистон-пресс».



## БИЛИМ МАСКАНИ ЎЗГАЧА ҚИЁФАДА

#### Янгийўл технология-иктисодиёт касб-ҳунар коллежи тубдан таъмирланиб, қайтадан фойдаланишга топширилди.

Реконструкция ишлари учун 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. 600 ўринли ўқув биноси, 220 ўринли ошхона, 200 кишига мўлжалланган мажлислар зали, янги кутубхона ва қироатхона, маънавият ва услубият хоналари, замон талабларига жавоб берувчи спорт мажмуаси, теннис корти, мини-футбол майдони, 2 та тиббиёт хонаси ўқувчилар ихтиёрига берилди. Бугунги кунда ушбу билим даргоҳида услубий марказ ташкил қилинган бўлиб, уларда ўқитувчилар томонидан нон, булка ва

қандолат, вино, ёғ-мой, биокимё ҳамда гўшт маҳсулотларини тайёрлаш технологияси мутахассислиги бўйича изланиш олиб боришмоқда.

Ҳозир коллежда 70 нафар ўқитувчи, жумладан, 4 нафар фан номзоди, шунингдек, кўплаб етакчи ўқитувчилар 768 ўқувчига сабоқ бераётир. Ўтган йили ўқув масканини биртирган 240 ўқувчининг 92 фоизи иш билан таъминди.

**СУРАТДА:** коллеж биносининг ташқи кўриниши. **Еркебой БОТИРОВ** олган сурат.

Мардлар қўриқлайди Ватанини

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИЛАР

Ватан олдидаги ҳарбий бурчларини бажаришга отланган вилоят ёшларининг дастлабки гуруҳи ҳарбий қисмларга жўнаб кетди.

Уларни кузатишга бағишланган тантанали митингда вилоят ҳокимининг ўринбосари Наримон Ҳайиткулов, «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Нурмон Насимов, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари бўлажак аскарларни қизгин табриқлаб, йигитларни жонажон Ўзбекистон сарҳадларини, мамлакатимиз тинчлигини ва осудалигини кўз қорачиғидек сақлашга даъват этишди. Ҳарбий хизматга қабирилганлар жанговар техника ва ҳарбий машғулотларни пухта эгаллаб, она-юртнинг садоқатли ҳимоячиси бўлишга сўз бердилар.

Яқинда Мудофаа вазирлигининг ташаббуси билан мuddатли хизматга қабирилган ҳарбий хизматчиларга мўлжалланган кирилл, латин алифбосидаги ўзбек ва рус тилларида «АРМИЯ – ҲАЁТ МАКТАБИ» номли эслатма чоп этилди.

«АРМИЯ – ҲАЁТ МАКТАБИ» (Муддатли хизматга қабирилган ҳарбий хизматчига эслатма)

Китобчага эпиграф сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислам Каримовнинг: «Биз бугун гурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда», деган сўзлари киритилган бўлиб, бу мамлакатимиздаги ҳарбий ислохотларнинг асосий мақсади ва йўналишини белгилайди.

Ҳаёт мактаби ҳисобланувчи армия йигитларимизни ҳар томонлама тоблаб, уларни жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан чинқилиштириб, давлатимиз, Юртбошимиз томонидан она юрт посбонларига қаратилган эътибор, бу борада амалга оширилаётган илҳомдор эслатмалар миллий армиямизни ёшларимизнинг иродасини тоблайдиган, уларни ўз Ватани ва халқига садоқат руҳида тарбиялайдиган жасорат ва матонат мактабига айлантирмоқда.

Мазкур эслатма таъкидланган эзгу сазой-ҳаракатларнинг наватбадгаис бўлди. Китобчага Давлатимиз мадҳияси, Ҳарбий қасамд ва Ўзбекистон аскарини Қасамдга, Президентимизга, халқимизга содиқ бўлишга даъват этувчи мурожаат матнлари киритилган.

Шунингдек, ушбу эслатмадан Қуролли Кучларимиз ташкил топиши тарихи, ҳарбий хизматни ўташининг ҳуқуқий пойдевори, мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги сиевати ва бошқа фойдали маслаҳатлар ўрин олган.

Эслатмада мuddатли ҳарбий

хизматчиларга қонунчилик ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари, Умумҳарбий низоомларда белгиланган имтиёзлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби-ларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Унда, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг кунлик озиқ-овқат нормалари, уларга давлат томонидан бериладиган кийим-кечак ва анжомлар рўйхати кўрсатилган.

Ушбу қўланмадан ўғлонларимиз миллий армиямизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини англашди, ўз ҳақ-ҳуқуқларини, мажбуриятларини билиб олишди. Муддатли ҳарбий хизматни муваффақиятли тугатган, олий ўқув юртига ўқишга кириш ва ишга жойлашиш учун бериладиган имтиёзлар ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишди.

Шунингдек, жанговар тайёр-гарлик машғулотларини ўтказишда роия қилиш зарур бўлган хавфсизлик чоралари бўйича талаблар ҳам унда муҳим ўрин эгаллайди.

Эслатма сўнггида зарур ҳолларда ҳар бир аскар истаган пайтда мурожаат этиши учун Мудофаа вазирлиги тарбиявий ишлари органлари телефон рақамлари ва манзиллари кўрсатилган.

Ёндафтарча шаклида чоп этилган, аскар доимо ёнида олиб юришига қулай, ихчам эслатма мuddатли ҳарбий хизматчининг энг яқин ҳамроҳи, дўсти, маслақдоши бўлиб, маълумотнома, йўриқнома сифатида хизмат қилиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ГУЗАР

Чиноз тумани марказида янги гузар мажмуаси қуриб битказилди. Бу ерда тикувчилик, новвойхона, гузаллик салони, шунингдек, маҳалла посбони хонаси ҳамда туман кўзи оқизлар жамияти жойлашган.

Бундан ташқари ёшларни спортга кенг жалб этиш мақсадида катратэ, таэквондо, кикбоксинг ва оғир атлетика тўғрисидаги маҳалла гузарлари ҳам фаолият бошлади.



СУРАТЛАРДА: «Хўжа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собир Раимов фаоллар билан; гузарнинг умумий кўриниши. Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТОҒ БАҒРИДА ФЕСТИВАЛЬ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси давлат дастурлари билан бир қаторда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган лойиҳалар асосида ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу асосда турли хил маданий-олимпиавий тадбирлар ҳамда спорт турнирлари ташкил этилмоқда.

Ана шулардан бири — «Чимён ЭКО — 2006» бўлиб, у Бўстонлик туманидаги «Чимён» оромгоҳи соғломлаштириш марказида бўлиб ўтди. Қишки спорт турлари бўйича ўтказилган фестивалнинг мақсади соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга янада кенгроқ жалб этишдир. Нуфузли тадбирни юқори савияда ўтказишда «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон касаба уюмлари федерацияси Марказий кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар фаолият кўрсатилди. Асосий ҳомийлар эса «А.С.Т», «Арк-Осиё» туристик компаниялари ҳамда «Coscom» қўшма корхонаси бўлди. Фестивалда куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди, тоғ чангиси شوеси ўтказилди. Шахноза НАЗИРОВА.

Таҳриба ва муаммо

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожига, хусусан, қўшма корхоналар ташкил этиш ва биргаликда жаҳон андозлари талабларига жавоб берадиган, экспорт-боп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда хорижий сармояларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Мустиқиллик йилларида бу йўналишдаги фаолиятнинг қонунчилик асослари мустаҳкамланди, натижада хорижий инвестицияларни қиритиш, қўшма корхоналар ташкил этиш тобора кенгайиб бормоқда. Ҳўш, вилоятимизда бундай корхоналарни ҳуқуқий ҳимоялашнинг аҳволи қандай? Адлия бошқармаси Хорижий инвестициялар ва хорижий ин-

дидора Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги 100-қарорининг 6-банди талабларини кўп олави равишда бузиб, кичик тадбиркорлик субъектлари — «Nefeservis», «SKY», «MIS TAKA», «Нурон» ва «Сервис центр» қўшма корхоналаридан ойллик ҳисоботларни қабул қилиб олган. Бундан ташқари мазкур бошқарма Низом жам-

нинг қанчалик асослигини ариза ва шикоятларнинг 72 таси қаноатлантирилганлигидан ҳам кўриш мумкин. Қўриб чиқилган аризаларнинг ўн таси солиқ қонунчилигига оид. Бу борада Оҳангарон туман солиқ инспекцияси фаолиятида жиддий нуқсонга йўл қўйилган. Инспекция ходимлари томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги «Янги ҳаёт» жамоа ҳўжалиги» очик акциядорлик жамиятида солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланиши текширилган.

маъмурий жавобгарликка тортилди. Айни пайтда суд қарорлари юзасидан норозилик билдириб ёзилган 9 та ариза қонуан қўриб чиқилиб, учтаси қаноатлантирилди.

Баъзида турли шартномаларни рўйхатга олишга тўраларча муносабатда бўлиш ҳоллари юз бермоқда. Бунга «Ипотекабанк»нинг Олмалик бўлимида содир этилган бир қонунчилик ибратли мисол бўла олади. Бу ерда «Автодизельхизмат» қўшма корхонасининг импорт шартномасини рўйхатга олишни рад этишган. Шу масала хусусидаги ариза бўйича ёзма кўрсатма киритилди, банк ўз ходимлари йўл қўйган камчиликни бартараф этди.

«ЕКИ ТАР ПРШАТ» қўшма корхонаси раҳбарига нисбатан кўзатилган жиноят ишини олиб кўрайлик. Тергов-сурштирув ишлари узок давом этди, пировардида раҳбарнинг хатти-ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги ойдинлашди. Шундан сўнг бу «жиноят иши» ҳаракатдан тўхтатилди. Лекин тергов даврида далилий ашё сифатида олинган 5,5 миллион сўмлик маҳсулот қўшма корхонага қайтарилмади. Адлия ходимлари шу масала хусусидаги мурожаатномани кўриб чиқиб, бу маҳсулотни қайтариш ҳақида вилоят прокурори номига таклиф қиритишди. Таклиф қаноатлантирилиб, қўшма корхонага тегишли маблағ қайтарилди.

Қўшма корхоналарга муносабатда у ёки бу кўри-нишдаги қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган ходимларга нисбатан қонуний жазо чоралари кўрилувчи. Сўнгги бир йилда 6 та қарор ва бошқа ҳужжатлар бекор қилиниб, солиқ идораларининг беш ходими интизомий жавобгарликка тортилганлиги, шундан бири киши эгаллаб турган лавозимидан бўшатилганлиги бунинг далилидир. Айни пайтда бўлим ходимлари 97 та қўшма корхонада суҳбат ва ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб боришди.

Кўришиб турибдики, вилоятимизга хорижий инвестициялар қиритиш, хорижий сармоядорлар маблағлари иштирокидаги қўшма корхоналарни ривожлантириш йўлларида киши билмас тўсиқлар ҳамон учрамоқда. Бундай ҳолатларга узил-кесил чек қўйиш шараф ва қишлоқларимизда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўл очиши аниқ. Шу боис бу борадаги қонун талабларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Маъмуржон ТҲҲИЕВ, вилоят адлия бошқармаси хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими раҳбари. Жўра САБДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



«ШАРҚИЙ ҚУРАМАДА» БАЙРАМ ТАДБИРИ

Ангренадаги «Шарқий Курама» очик акциядорлик жамияти аъзолари Наврўзиди алоҳида кўтаринки руҳ билан қарши олдилар.

Корхонада геология-қидирув ишлари янги технологияларга асосланган ҳолда амалга оширилаётганлиги сифат ва самарадорликка замин яратмоқ-

фоизга ўсди. Асосий кўрсаткич — олтин захирасини кўпайтириш бўйича давлат буюртмаси 106,6 фоизга удаланди. Иш ҳақи миқдори 1,44 бараварга ошиб, ўртача 139 минг 774 сўмни ташкил этмоқда.

Байрам муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда меҳнат ахли учун дастурхон ёзилиб, ош тортилди. Геологлар кўргонидида маданият маркази хаваскорлари ижросида концерт намойиш этилди. Соҳада самарали меҳнат қилган фахрийларга, бугунги кун илгорларига корхона маъмуриятининг пуд муқофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири. СУРАТДА: байрам тадбиридан лавҳа. Муаллиф олган сурат.

Саёҳат

ЮРТ ЖАМОЛИДАН КЎЗЛАР ҚУВНАЙДИ

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури тизимини таъминлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож ёшлар ҳолидан хабар олиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Камалак» болалар ташкилоти Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими ҳамда ўрта-маҳ-



ри вакиллари тадбирда иштирок этишди. «Юртим жамолидан кўзим қувнайди» мавзусидаги саёҳатда Ангрена, Оҳангарон, Олмалик шаҳарлари, Оҳангарон ва Ўртачирчиқ туманларидан васийлик ҳамда ҳомийликдаги жами 200 нафар болалар иштирок этишди. Улар дастлаб, пойтахт марказидаги «Мустиқиллик ва эзгулик арки»дан ўтиб, «Бахтиёр она» ва «Мотамсаро она» ҳайкаллари



вестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими ходимлари ўтказган мониторинг бу саволни ойдинлаштириб берди. Вилоятимизда 218 та хорижий ва қўшма корхона рўйхатга олинган. Ҳозирги пайтда уларнинг 39 таси турли сабабларга кўра фаолият юритмаётир. Мониторинг кузатишларининг натижаларига кўра, суд қарорларига асосан тугатилган, банкрот деб топишган корхоналарни тугатиш ишларини охирига етказиш, вақтинча тўхтаб қолган корхоналар ишлаб кетиши учун зарур чора-тадбирлар қўриш ҳақида маҳаллий ҳокимликларга ёзма кўрсатмалар киритилди.

Лекин хорижий ва қўшма корхоналар фаолиятига но-ўрин аралашувлар, бу борадаги қарорлар айрим талабларнинг бузилиш ҳоллари ҳамон аниқланмоқда. Чунончи, Бекобод шаҳар, Қўйичирчиқ, Тошкент, Қибрай туманларининг давлат солиқ инспекциялари фаолиятида шундай қусурлар учраётир. Бу қўшма корхоналардан бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар бўйича ойллик ҳисоботларни қабул қилиш, тўланган солиқларни қайта ҳисоб қилиш ҳақидаги мурожаатларни вақтида қўриб чиқмасликда намойён бўлаётир. Чунончи, Зангиота туманидаги «UZ-DUTCH CHEESE COMPANY LTD» қўшма корхонасининг соддалаштирилган солиқ тизимига ўтиш ҳақидаги аризаси бўйича қарор белгиланган мuddатдан 3,5 ой кечиктириб, 2005 йилнинг 29 июнида қабул қилинган. Боз устига, бу қарор ҳақида қўшма корхонага хабар берилмаган. Натижада корхона раҳбарияти 14 сентябрда шу мазмундаги хат билан солиқ идорасига такроран мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Бундай нуқсонларга вилоят статистика бошқармасида ҳам йўл қўйилмоқда. Бу

фармаси 150 000 АҚШ доллари миқдоридан кам бўлиб, туман-шаҳар ҳокимликларининг инспекциялари томонидан рўйхатга олинган олти тадбиркорлик субъектини хорижий ва қўшма корхоналар рўйхатига нотўғри қиритгани аниқланди. Мана шу қонунбузилишлар бўйича тақдимномалар қиритилиб, мавжуд қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилди, вилоят статистика бошқармасининг бўлим бошлиқлари А. Абдумаликов ва Ф. Рўзметов, Бекобод шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходими А. Эшмуродов, Тошкент туман солиқ инспекцияси шўъбасининг мудири Ш. Турғуновларга нисбатан ҳайфсан эълон қилинди.

Хорижий сармоялар ва улар иштирокидаги қўшма корхоналарда ўтказилган текшириш натижаларига кўра қўлланган таъсир чораларининг қонунчилигини ўрганиш ҳам бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатди. Улар юзасидан қиритилган тақдимномаларга биноан Олмалик ва Чирчиқ синов ва сертифицикатлаштириш марказининг айрим ходимлари, ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Ангрена шаҳар филиали бошқарувчиси З. Бойсариев, акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Пскент туман бўлими бошқарувчиси Ш. Деҳқонбоев ва ҳуқуқшуноси Й. Сатторова тегишлича жазоландилар.

Қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вилоят адлия бошқармаси хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими олаётган ариза ва шикоятлар ҳануз қатор камчиликларга йўл қўйиб бўлиб 80 та ариза-шикоят олди. Улар асосан хорижий инвесторлар ва хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналардан олинган бўлиб, фақат, 14 таси турли давлат идораларидан келди. Бу мурожаатномалар

Унинг натижаси бўйича 2005 йил 7 майда инспекция бошлиғи томонидан 72,3 миллион сўм молиявий жазо чораси қўлланган. Ҳўжалик раҳбарияти бундан норозисини ўрганиб чиқиб, даъво асосли эканлигини аниқладик. Оҳангарон туман давлат солиқ инспекциясига бу молиявий жазо чорасини бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритилди. Унинг қўриб чиқилиши назоратда.

Экспорт-импорт масалаларига доир аризалар ҳам йўқ эмас. «Golden Wing» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ўз эҳтиёжлари — жўжа очиртиш учун Туркиядан насли тухумлар олиб келган. «Тошкент АЭРО» иқтисодлаштирилган боғжона мажмуа ходимлари улардан 20 фоиз акция солиғи ва 30 фоиз боғжона тўловлари — жами 21,2 миллион сўмга яқин маблағ ундирган. Табиийки, бу қонунбузилиш қўшма корхона маъмуриятини жиддий эътироз тугадириган. Унинг мурожаатномаси қўриб чиқилиб, жавобгар — «Тошкент АЭРО»дан ноқонуний ундирилган маблағни қайтариш бўйича Тошкент шаҳар ҳўжалик судида иштирок этилди. Суд қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Кейинги бир йил мобайнида бўлим томонидан турли ҳўжалик субъектларига етказилган моддий зарарларни ундиришга тааллуқли 15 та даъво аризалари киритилди. Жумладан, «KENAF» қўшма корхонаси фойдасига Сирдарё вилоят «Пахтасаноат» бирлашмасида 95,2 миллион сўмдан кўпроқ асосий қарз ва 1,3 миллион сўмга яқин пеня ундириб берилди. Умуман, судларга қиритиш йўли билан 12 та даъво аризаси қондирилди, баъзи ҳўжалик раҳбарлари

Мирзо Улугбек номидидаги Ўзбекистон Миллий университетиди ноёб манбалар музейи очилди.

Унда қарий бир ярим минг экспонат намойиш этилаётир. Университет ўз фаолиятини бошлаган йиллардан бугунги кунгача бўлган давр оралиғида олимларимиз томонидан йиғилган ушбу манбалар айни кун-

НОЁБ МАНБАЛАР МУЗЕЙИ

ларгача илм даргоҳимиз кутубхонасида сақланиб келарди. — деди Ўзбекистон Миллий университети кутубхонаси директори Р. Асқарова. — XVI-XIX асрларга оид мазкур қўлёзма ва тошбосма асарлар илм-фаннинг

барча соҳаларини камраб олгани билан аҳамиятлидир. Улар дастлаб дарслик ва ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилган бўлса, бугунги кунга келиб муҳим тарихий манбага айланди.

ТИББИЁТ КЎРГАЗМАЛАРИ

Тошкентдаги "Ўзкўргазмамарказ"да 4-7 апрель кунлари "Фармтех 2006" биринчи Маказий Осиё халқаро иктисослашган кўргазмаси, "Соғлиқни сақлаш - ТИHE 2006" ҳамда "Stomatology Uzbekistan 2006" Ўзбекистон халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади.

Кўргазма МДХ ва Шарқий Европа давлатларида тиббиётга доир йirik кўргазмаларни ташкил этувчи ITE Group Plc (Буюк Британия)нинг Ўзбекистондаги ҳамкори ITE Uzbekistan халқаро компанияси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

1995 йилда Марказий Осиёда биринчи марта тиббиёт соҳасида "Соғлиқни сақлаш - ТИHE" кўргазмаси Тошкентда ўтказилган эди.

11 йил давомида "ТИHE" кўргазмаси Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти билан тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ва уни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу галги "ТИHE - 2006" экспозицияси электр тиббиёт, лаборатория, ташхис, жаррохлик, стоматология асбоб-ускуналари, биринчи ёрдам кўрсатиш жиҳозлари, стоматология шифохоналари, клиникалари кабинетлари учун мебель ва ускуналар, ортопедия ва реабилитация, офтальмология каби бўлимларда намойиш этилади.

"Stomatology Uzbekistan - 2006" кўргазмасига фармацевтика препаратлари, воситалари, минерал озукка қўшимчалари, витаминлар, парҳез маҳсулотлари, гомеопатик препаратлар, доривор ўтлардан тайёрланган препаратлар, дерматология препаратлари, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, шахсий гигиена воситалари, беморларни парвартиш қилишида бир мартаба ишлатиладиган маҳсулотлар қўйилган.

Юқорида номи келтирилган учта халқаро кўргазмада Белорусия, Венгрия, Германия, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Покистон, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Чехия ва Швейцария каби жами 17та мамлакатдан юзга яқин фирма ва компаниялар иштирок этади.

Инобат ЭҒАМУЛОВА, «Туркистон-пресс».

2006" кўргазмаси ва Форуми ҳозирги замон стоматологияси соҳаси, тармоқда фойдаланиладиган янги материаллар ва дори-дармонлар, тиш касалликларини даволлаш ва тиклашнинг илгор усуллари билан яқиндан танишиш имкониятини беради.

"Pharmacy/Pharmtech - 2006" кўргазмасига фармацевтика препаратлари, воситалари, минерал озукка қўшимчалари, витаминлар, парҳез маҳсулотлари, гомеопатик препаратлар, доривор ўтлардан тайёрланган препаратлар, дерматология препаратлари, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, шахсий гигиена воситалари, беморларни парвартиш қилишида бир мартаба ишлатиладиган маҳсулотлар қўйилган.

Юқорида номи келтирилган учта халқаро кўргазмада Белорусия, Венгрия, Германия, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Покистон, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Чехия ва Швейцария каби жами 17та мамлакатдан юзга яқин фирма ва компаниялар иштирок этади.

Инобат ЭҒАМУЛОВА, «Туркистон-пресс».

ЮҚОРИ ҲОСИЛГА ЗАМИН

«Ниёзбош» нафақат Янгийўл туманида, балки вилоятда ҳам илгор ҳўжаликлардан ҳисобланади. Ҳўжалик деҳқонлари ҳар йили давлат буюртмаларини барвақт, ортиги билан адо этишга одатланишган.

Чунончи, бу йил ҳам 855 гектар ерда бугдойнинг «Крошк» нави тўпланган тажрибалар асосида парвартиш қилинмоқда.

— Давлат буюртмаси 46

центнер этиб белгиланган, — дейди пудратчи Ботир Шахронов. — Биз режадан камийда 15 центнер бандлатиб ҳосил кўтаришни чамалаяпмиз. Бунга ҳозирда-

ноқ пухта замин яратиб, экинни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан етарли микдорда озиклантирмоқдамиз.

СУРАТДА: бош ҳосилот Шўхрат Азимов ва пудратчи Ботир Шахронов галла ривожини кўздан кечирмоқдалар. Даврон АҲМАД олган сурат.



Бир шикоят изидан

Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли ширкат ҳўжалиги 2-Ҳиёбон кўчасида яшовчи аҳоли номидан тахририятга шикоят мактуби келди. Унда айтилишича, маҳалла аҳли қарийб 10 йилдан бўён қувурлардан мунтазам оқиб келади-ган тоза ичимлик сувидан бебахра.

рилган. Бироқ, айрим кўчаларга сув этиб бермаган. Қувурларнинг эскилиги сабабли босим қўчайтирилмаган бўлса, улар тешилиши мумкин экан. Қолаверса, насосларга вақтида сув этиб келмайди.

Хуллас, масаланинг ечимини излаб сув таъминот туманлараро ишлаб чиқариш бошқармасининг Келес бўлимида бўлди.

Бошқарма бошлиги Акбар Анаворовнинг айтишича, тумандаги сув тақчиллиги муаммоси бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. Қарийб йигирма йилдирки, аҳоли ичимлик суви этишмаслигидан азият чекади. Бунинг асосий сабаби тумanning бу борода пойтахт ва қўшни туманларга қарамлигидир.

— Худуддаги бу муаммоларни ҳисобга олиб, бу йил туманимизда «Сув йили» деб эълон қилинган, — дейди Акбар Анаворов. — Анда олдин бир лойиҳа устида иш бошланган эдик. Бир ой илгари ана шу режа бўйича амалий ишлар бошланди. Яъни, туман аҳолисини учун суви қайта ишлайдиган қорхона қуришга киришилди.

Бу ердаги қурилиш ишлари ҳашар асосида амалга оширилаётган бўлиб, қарийб 500 миллион сўм ўзлаштирилади. Бунга нафақат туман, балки, вилоятнинг йirik қорхона ва ташкилотлари, тадбиркорлар бош қўшилиши мумкин.

Корхонани шу йил май ойида ишга тушириш режалаштирилган. Истардики, туман аҳолисини кўпдан бўён қийнаб келатган бу муаммо шу билан барҳам топса, жўмрақлардан тўлиб сув оқса.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?


ЭРОНДА ЕР СИЛКИНДИ

Эрон жанубидаги Луристон вилоятида кучли zilzila рўй берди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, унинг кучи Рихтер ўлчови бўйича 6 баллга етган. Дастлабки маълумотларга қўра, табиий офат оқибатида эллиқдан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмган, мингга яқин киши жароҳатланган.

Zilzila маркази Боружард ва Дуруд шаҳарлари оралигида экан. У ердаги кўплаб қишлоқлар бутунлай вайрон бўлган.

Айни пайтда фожиа оқибатларини бартараф этиш мақсадида кўтарув ишлари олиб борилмоқда. Жабрланганларга ёрдам кўрсатилляпти. Кўтарув ишларига Эрон ҳарбий-ҳаво кучлари ва армия қисмлари жалб этилган. Уларга маҳаллий кўнгилликлар кўчалари ва армия қисмлари жалб этилган.

Табиий офатдан айниқса Боружард шаҳри кўп зарар кўрган. Тураржой бинолари, мактаблар вайрон бўлган. Электр узатиш




қурилмалари ишдан чиққан.

Эрон сейсмик фаол минтақада жойлашган. 2003 йили Кермон вилоятида юз берган zilzila 30 кишининг умрига зомин бўлган эди.

Ғазилдин АРЗИЕВ, УзА шарҳловчиси.

БЕБОШ САЙЁҒЛАР



РОССИЯнинг Чуваш Республикасидаги Улусларнинг аҳолисида давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтган, АҚШ ва Буюк Британия фуқаролари бўлиши икки шахс қўлга олинди.

Хибса олинганларнинг сўзларига қараганда, улар Жанубий

Америкадан Буюк Британияга саёҳатга отланиб, Аляска штатидаги Уэльс шаҳридан Беринг бўғозини сузиб ўтишган.

ДЕНГИЗДАГИ ЗАИФЛИК

АҚШ махсус хизматлари террорчиларнинг денгиздаги хуружларини қайтартиришга тайёр эмас. Мамлакат адлия вазирлиги бош нозири Гленн Файнинг 103 бетлик маълумотини шундай хулоса бор. Экспертнинг фикрича, бош муаммо текширувлар федерал бюроси билан АҚШ соҳил мудофааси ўзаро муносабатларида нуқсонлар мавжудлигидир.

САЙЛОВ ЭҒТИРОСЛАРИ



УКРАИНА пойтахти прокуратураси Киев мэрилигига номзод Леонид Черновецкий томонидан сайловчилар овозини сотиб олиндиши иши бўйича жиноий иш қўзғатди.

Ҳозир, 100 фоиз овозлар ҳисоби бўйича, номзод Леонид Черновецкий 31,83 фоиз овоз билан пешқадамлик қилмоқда.

АЙБСИЗЛИК ДАЪВОСИ БИЛАН

ЛИБЕРИЯнинг собиқ президенти Чарльз Тейлор душанба кuni Сьерра-Леоне пойтахти Фритаунда уни суд қилиш учун жамланган БМТ ҳарбий трибунали ваколатларини тан олишдан бош тортиди.

Шу билан бирга, собиқ давлат раҳбари айбловнинг барча моддалари бўйича ўзининг буткул айбсизлигини таъкидламоқда.

- Зангиота туманидаги «Улғбек» ширкат ҳўжалиги тугатилиши муносабати билан ҳўжаликнинг қўйидаги мол-мулки қимоди шифтга кўйилди. Бошланғич баҳоси: 1. 4 хонали турар-жой биноси (манзили: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ц-мавзеси, 18-уй, 15-хонадон, 100/72 кв.м.) 27 406 284 сўм.

«TOSHKENT REGIONAL TRADING» АК шакар маҳсулотини сотади. Телефон: 152-11-34, факс: 152-11-75. Товар сертификатланган.

ЧП «BIG MAG PLYUS» С. Раҳимовский району г. Ташкентта реорганизовано в ООО «BIG MAG PLYUS» и является правопреемником всех его прав и обязанностей.

ООО «FERROPLAN» Учтептинского району (код ОКПО 19888408)

ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Претензии принимаются в течении двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: 700132, г. Ташкент, ул. Обводная, 9 А. или по телефону: 399-54-01.

ЖАМИЯТДА АХБОРОТНИНГ ЎРНИ

Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини билан ҳамкорликда «Эркинлашган жамиятда ахборот ва мафкура масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди.

Бундан мақсад, янги барпо этилаётган жамиятда ахборотлаштириш борасидаги ислохотлар, миллий мафкура ва менталитет, ахборот тарқатишдаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш чоралари, таҳдид шароитида жамият ҳафсизлигини таъминлаш бўйича тегишли хулосалар чиқаришдан иборатдир. Тадбир давомида эркинлашган жамиятнинг ахборот очиллиги, ахборот бозоридаги рақобатлар, шу билан бирга дунёда ахборот хуружлари кескинлашган шароитда миллий қадриятларни сақлаш, муносабатлар билдириш ҳамда мафкуравий иммунитетни шакллантириш хусусида фикрлар билдирилди.

Семинар ишида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бир қатор вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда талаба ёшлар иштирок этишди.

Ўз муҳбиримиз.

КЕКСАЛАР ЎГИТИ - ЁШЛАРГА МАКТАБ

Вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши Тошкент тумани ички ишлар бўлими ходимлари билан учрашув ўтказди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Анвар Мадаминов ёш ходимларини ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш, интизомли, ахлоқодобли, ўз касбияга муносиб ходимлар бўлиб этилиши учун хизмат вазифини виждонан ёндошишга чақирди.

Вилоят ички ишлар идораларида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб, пенсияга чиққан фахрийлар ёрқин хотиралари, хизмат жараёнларидаги эсда қоларли, ибратли воқеалар, устозларидан олган сабоқлари ҳақида тўқунланиб гапирди.

Еш авлод вакиллари ҳам ўз наватбатида кексаларнинг хайри ишларини, аъналарини давом эттириб, бу йўлда бор билим, маҳорат ҳамда куч-мадонатларини сафарбар этажақларини таъкидладилар.

Наврўз тантаналари баҳона кексаларимиз билан бирга бир пилба чой устидаги сўхбат самимий рўда ўтди. Ингилганлар санъаткорларнинг чиқишларидан баҳраманд бўлишди.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

ОМИЛКОРЛИК ҚОНИМИЗДА БОР

Семинар-машғулотда туман «Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Гулчехра Пулатова иштирокчиларга бизнес йўналишлари, маркетинг, менежмент соҳалари хусусида сўзлаб берди. Япониялик бизнес-маслаҳатчи Ёшикава Сейки бошқарган семинарда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган аёлларга илк тавсиялар бериш билан бирга бугунги кун ишбилармонлари ҳуқуқий саводхон бўлиши кераклиги, савдо ҳамда маҳсулот ҳажмини қўпайтириш йўллари, бозорга кириш ҳаракатлари, савдо режасини тузиш учун зарур маълумотларни тўплаш сингари тамойиллар хусусида ўз тавсиялари билан ўртоқлашди.


— Биласизки, тадбиркорлик ўзбек халқининг ўтмиши билан боғлиқ аъна. Аждодларингиз ўз ишбилармонликлари, тадбиркорлик сазй-ҳаракатлари билан қадим-қадимдан Шарқ ва Фарб ўртасида кўприк вази-

фасини ўтаб келмоқдалар, — деди Ёшикава Сейки — Мен ўз маърузаларим билан Паркент, Пскент, Охангарон, Чиноз, Қибрай ва Ўрта-тинг, менежмент соҳалари тадбиркор аёллари ҳузурда бўлишга улгурдим. Агар уларга ўз билимларим, тавсияларим ва маслаҳатларим билан озгина бўлсада кўмак бера олсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблардим.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

СУРАТЛАРДА: семинардан лавқалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Ҳамкасбим китобини ўқиб

Тўпланман жой олган мақолалар, очерклар, журналист суриштирувлари ва фелъетонлар публицистиканинг ҳозирги кун талабидаги ижод махсули, янгиланаётган давр нафаси уфуриб турган ҳолатлар иньикоси. Қаламга олинган ҳар бир мавзу китобхонни чуқур ўйлашга, мулоҳаза юритишга, ҳаёт гирдобидидаги муаммою машаққатларни енгишга чорлайди. Кишилар тақдирига одилона ва оқилона, андишали ва холисона ёндошган муаллиф ўз қаҳрамонлари билан бирга яшайди, уларнинг қувончларига шерик, изтиробларига ҳамдард, елкадош.

Китобдан ўрин олган у ёки бу журналистик асарларни ўқиб эканман, ижодкорнинг ички дунёсини илғагандек бўлдим. Журналист қаламида тўқилган сўзлар шодасида кўтарилган ҳаёт муаммоларию жумбоқлари чуқур очиб берилади, холисона баҳосини олади. Ёки ўша соҳа мухтаassisлари виждонига ҳавола этилиб, уларнинг тағзаминли мулоҳазалари келтирилади.

Китоб «Ўзма-юз» очерки билан очилди. Унинг қаҳрамони Абдукарим Абдуҷаллилов кишини ўйлашга, Бўстонлик тоғ қишлоқларида тўпаниб қолган муаммоларга ечим топишга қўндайди.

Моддий ва маънавий ташналик кишини тинмай изланишга чорлайди. Журналист Жўра Саъдуллаевнинг «Замондош қалби» («ZARQALBI» нашриёти) публицистик китобини ўқиб чиқиб, кўпдан бўён кийнаб келатган маънавий ташналигини қондиргандек бўлди.

САТРЛАР ОРТИДАГИ ТАҚДИРЛАР

тэйёр газ билан бўлгач, бу галлар настизларга чиқора? Лекин кимга қийин, ўрмончига қийин. Ахир, мана шу Сижжак, Богистон ёки Нанайда бир хонадон йилига камийда 6 куб метр ўтинга мўхтаб. Демак, ҳар йили тоғ қишлоқларида 32 минг куб метр ўтин ёқишади. Шунча ўтинни тайёрлаш учун, биласизми, қанча дарахтзор келиши керак? Ўттиз ёшли ёнғоқзорлардан 327 гектар ёки олмазордан 354 гектар майдондаги дарахтлар қўприлиб, ўтинга айлантирилиши лозим. Ана энди, мулоҳаза қилаверинг, муаммонинг нечоғли долзарблигини.

Муаллиф бу фикрни давом эттириб, аҳвол шу зайдда кетаверса, 20-30 йилда минг-минг гектар ноёб ўрмонлар қирқилиб кетишини таъкидлайди.


Ўсимлик дунёсига ваҳшиёна муносабатнинг оқибатлари эмасмикан, деган мулоҳазасига борасан, киши. Дунё қонуниятларини англаган инсон кўчат экиши, ўлкамазини боғу бўстонга айлантириши даркор.

Тасаввур қилинг-а: ўсимлик дунёси кескин қисқариб кетса, нима оқибатлар юз беради. Мабодо, оламдаги килсрод ва водород мувозанати бузилса, ҳаво таркибидида водород 0,5 фоиз ошиб кетса, шимол ва жанубий кўтлар теварағидидаги музликлар эриб, ер юзини сув босиб кетиши мумкин экан. Ана энди муаллиф нимага ишораяу даъват этаётганлигини англаётгандирсиз?

Замондош қалбига қулоқ тутиб ҳар қандай кишининг қўлидан келадиган бундай фазилат фақат хушёр, сезгир, оқ билан қорани фарқлай оладиган ижодкорларгагина насиб этади. Ўрмончи, шифокор, ҳуқуқшунос, молиячи, ҳўжаликнинг

фидойи раҳбари... Муаллиф уларнинг тақдирлари, ташкилотчилик фаолиятларининг самаралари, галамисларнинг етказган маънавий ва моддий зарарларини далиллар орқали ишонарли очиб беради.

Халил ҚАЮМОВ, матбуот фахрийси.



Ўсимлик дунёсига ваҳшиёна муносабатнинг оқибатлари эмасмикан, деган мулоҳазасига борасан, киши. Дунё қонуниятларини англаган инсон кўчат экиши, ўлкамазини боғу бўстонга айлантириши даркор.

Тасаввур қилинг-а: ўсимлик дунёси кескин қисқариб кетса, нима оқибатлар юз беради. Мабодо, оламдаги килсрод ва водород мувозанати бузилса, ҳаво таркибидида водород 0,5 фоиз ошиб кетса, шимол ва жанубий кўтлар теварағидидаги музликлар эриб, ер юзини сув босиб кетиши мумкин экан. Ана энди муаллиф нимага ишораяу даъват этаётганлигини англаётгандирсиз?

Замондош қалбига қулоқ тутиб ҳар қандай кишининг қўлидан келадиган бундай фазилат фақат хушёр, сезгир, оқ билан қорани фарқлай оладиган ижодкорларгагина насиб этади. Ўрмончи, шифокор, ҳуқуқшунос, молиячи, ҳўжаликнинг

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт

Шундан кейин

«МЕТАЛЛУРГ»НИНГ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионати олий табақасида иштирок этаётган жамоалар тўртинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

Ушбу турнир беш учрашувда майдон эгалари, икки учрашувда меҳмонлар зафар кучдилар. Дарвозаларга 17 та тўп киритилди. Вилыотнинг шарафини ҳимоя қилаётган «Металлург» ўз майдонида Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоасини қабул қилди. Уч тур бахсларидан сўнг металлурчилар бор-йўғи бир дуранга эришиб, бир оқонки кўлга киритган эдилар. «Қизилқум» билан учрашувда «Металлург» аъзолари ўйинни фаол ҳаракат билан бошлади. Биринчи бўлим 1:1

хисобида дуранг натижа билан якунланди. Ўш хужумчи Камолиддин Мирзаевнинг меҳмонлар дарвозасига киритган тўпига рақиб жамоа ҳам бир тўп билан жавоб берди. Вағиф Рустанов шогирдлари иккинчи бўлимнинг 3-дақиқасидаёқ ҳисобда олдинга чиқиб олдилар. «Металлург» ҳимоячиси Мадийр Мўминов ҳисобни 2:1 га ўзгартирди. Майдон эгаларининг хужумкор ўйинлари 70- ва 84-дақиқаларда самарали якунланди. Камолиддин Мирзаев меҳмонлар

дарвозасини икки бор ишғол қилиб, ҳисобни 4:1 га етказди. Турнинг бошқа учрашувларида куйдаги натижалар қайд этилди: «Нефтчи» — «Насаф» — 1:1, «Тўпаланг» — «Андижон» — 1:0, «Самарқанд-Д» — «Хоразм» — 1:0, «Навбахор» — «Бухоро» — 1:0, «Локомотив» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Шўртан» — «Машъал» — 1:2. Чемпионатнинг навбатдаги бешинчи тур учрашувлари 7-8 апрель кунлари бўлиб ўтади. Вакилларимиз 8 апрелда Урганчда «Хоразм» жамоасига қарши майдонга тушадилар. Талъат ЮСУПОВ.



СУРАТЛАРДА: мусобақалар жараёнидан лавҳалар. Даврон АХМАД олган суратлар.



КУРАШИМИЗ ВОРИСЛАРИ ГИЛАМДА

Бекобод шаҳридаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари таркибига киритилган миллий кураш мусобақаларининг вилыот босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақани юқори савияда ўтказилишида вилыот халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, болалар спортини ривожлантириш, «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилыот бўлими, Бекобод шаҳар кураш клуби ҳамда Болалар ижодиёти маркази ҳамкорликда иш олиб боришди. Мусобақаларга «Узметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлик қилди. Уч кун давомида вилыотимизнинг ўртачирчиқ, Тошкент, Бўстонлик, Охангарон, Оқўрғон туманлари ҳамда Чирчиқ, Ангрэн, Бекобод шаҳарлари жамоалари ги-

ламда баҳс юритишди. Якуний натижаларга кўра, жами 21 нафар ёш полвон голиб ва совриндорлар қаторидан жой эгаллади. Бобур Содиқов, Ақромжон Жўрабоев (50 кг), Ҳусниддин Мавлянов, Зафар Аллаберганов (60 кг), Азамат Турғункулов (65 кг), Даулбай Шамаев, Насимжон Валиев (71 кг), Мерген Бурхонов, Бежигит Истебаев, Шукрулло Бойгазов (77 кг) ўз вазн тоифаларида биринчи ўринни кўлга киритишди. Эндиликда голиблар республика миқёсида ўтказиларган мусобақаларга тайёргарликни бошлаб юборишди. Феруза ТҮРАЕВА.

ШОҲСУПАГА БИР ҚАДАМ...

Ўтган дам олиш кунлари вилыотимиз ҳудудида авторалли бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақалар республика мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, спортнинг техник ва амалий турлари маркази ҳамда Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Чемпионатга тайёргарлик, яратилган шарт-шароитлар биз кутганимиздан ҳам зиёда бўлди, — деди Қозғистон Республикаси автототспорт федерацияси президенти Болат Актаев. — Бизда авторалли билан шуғулланиш учун техник шарт-шароитлар мавжуд эмас. Шу сабабли бугунги чемпионатда иштирокимиз ҳам тажриба, маҳорат алмишиш, ҳам ўзимизни бу борада синаб кўриш имкониятини берди. Якуний натижалар куйдагича кўриниш олди: «Миллий класс» йўналишида биринчи ўринни Илҳом Обиджонов ва

Сухроб Исмоиловлардан иборат Самарқанд вилыоти экипажи эгаллади. Кейинги 2 та ўрин пойтахтликларга насиб этди. 7-классдаги голиблар сафидан фақат Тошкент шаҳри вакиллари ўрин эгаллашди. 5-умумлашган классда эса 2-ўрин Қозғистон жамоаси хисобига эзилди. Вилыотимиз вакиллари бўлган ота-боло Игорь Сычёв ва Алексей Ноумкинларнинг 35-ракамли экипажи тўртинчи ўрин билан қийоғланди. Умумжамоа хисобида Қозғистоннинг «Остона моторс», Тошкентнинг «Юнайтед-моторс спорт» клублари ҳамда Тошкент умумлашган техник мактаби жамоаси шохсупанинг юқори понагаларини эгаллашди. Хуришда НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Дунё гўзал, хаёллар эса уни янада гўзал қиларкан. Хаёллар... Эҳ-же, бу мўътабар бошга қалалак мисол оҳиста келиб кўнадиган чексиз хаёллар йиғитлик чоғларингда кўнгли кўйган соҳибжамол ҳақида, ўша қора қош, қора кўз жонига бўлган оташин муҳаббатинг ҳақида бўлса-чи, оҳ-оҳ гўзал дунё дунёнинг айланаркан-қорларкан... Кўшни қишлоққа эрга тегиб кетган Суксуройни эри уч талоқ кўйгани эшитган Олимбек ҳам бир нафасда чўқур хаёлларга асир тушиб қолди. Зумда ошқик даради кўзиб, нозик кўнглига оламнинг бор шодликлари бирин-бирин мўралай бошлади. Юраги эса ҳаяжондан тарс ёрилай дер, ўзини оёғи кўйган товухдек қаерга кўйишни билмай, безовталанарди. Қулоққа-қулоқ кўчиб юрган хушхабарни онаси кўчадан топиб келганди. — Шариатдаям, ҳеч бир муллонинг китобидаям уч талоққа қайта ярашишга йўл йўқ, — деди Мухлис она янгиликдан гоҳ ачингандек, гоҳ севингандек бош чайқаб, — Гўлдан кўнглинг қадрига етмабди-я, бай-бай-бай... увол-а, увол! Қизгина асли сулув, хозир ҳам ҳуснига қараб тўймайсан, бир қўлтам сув билан ичворинг ўзи кам. Эҳтирос алангаси кундан-кун кучайиб, Олимбекнинг кўнглидан оромни, кўзларидан уйқунни тортиб олди. Етишолмаган севгининг кўзгалиши Қўқон шамолидан ҳам баттар бўларкан. Вужуди алғов-далғов бўлиб, ошқина нингоҳларига машқуқасининг гўзаллигидан бошқа ҳеч вақо кўринмай қолди. Ахир синфдоши Суксуройнинг кўзлари оху, боқишлари хумор, ортидан тўлғониб чопадиган тим қора сочлари жонга қасд қилгувчи эди-да. Қарашлари юракни жижиллатиб, вужуда ўт ёқарди. Буларни унутиб бўлармиди? Бироқ, ўшада кизгина бу ёруғ дунёнинг барча гўзалларидек

бевафолик қилди, унга, ошқу бечорага ақали бир қиё боқмай, бошқа-га қўйиб кетди. Шу-шунинг учун бахт эшиклари беркилиб, ўртанган кўнгли ўртанганча қолиб кетганди. Барибир дунёда адолат бор экан. Астойдил ният қилсанг, тиланган оғизга ош, йилган кўзга ёш келаркан. Мухаббат! Қўнча дунёнинг қўнча дарди! Қанчалик ажайиб, қанчалик ғаройиб дан кейин... «Ана ундан кейин... Маликалардек гўзал аёл унинг жуфти ҳалоли бўлди. Асли ўшандаёқ Суксурой кизларнинг сараси эди. Шўх-шаддоликларини-чи... Шўхгина эмас, ўт-олов эди. Мана энди ўша ўт алангасида исиниш вақти келди». Энди Олимбекнинг ўйларига ётса ҳам, турса ҳам Суксурой эди. Онаси-

Бетимни қаттиги — жонининг хузури, деб аванинга ўшаёқ безарайиб ўтирарверса, нима дейсан? Эшитганларидан Олимбек танасига сиймай, ҳар дақиқда бир қучоқ семирар, кўнглида эса аллақонан тўрт фаслнинг ҳаммаси баҳорга айланган эди... — Тўйни қатта қиламиз. Бозор кунни уйдаги новвосу кўчқорни сотасан. Пули тўйга! Аслида бундай қиз учун дунёнинг ярмисини берсанг ҳам оз. Кейин росмана совчиликка бораман. Ниҳоят узоқ кутилган кун этиб келди. Олимбек совчиликка кетган ойисининг йўлга кўзлари тўрт бўлиб сўридаги кўрпачада хаёл суриб ётарди. Гўё шу бугунку тўй эмиш... Тўрдаги стулларда келин-куёв либосида у Суксурой билан ял-ял ёниб ўтирар, қарнай-сурнай овоз оламни тўтиб кетган, прожектордан кам нур сочмайдиган минигини лампочкалар тўйхонани кундузгидек чароғон этган, безатилган столлар атрофида гала-гала меҳмон... Ҳамма уларга ҳавасланиб боқармиш, ўн тўрт кунлик тўйни ой мисол Суксурой бўлса унга гоҳ-гоҳ кўз қири билан ўтти-ўтти нигоҳ ташлаб кўярмиш. У эса маҳбубасига қараб ҳаяжондан титрармиш. Қўшиқчи авжга чиқиб куйлармиш: — Шўримиз қуриди, болам! — Мухлис она йилгаб юборди. — Нега? — Олимбекнинг кўзлари пийладек бўлиб кетди. — Келин... келин бўлмай ер юқур эриникига... Қочиб кетибди. — Ахир... — Арашлаган экан холос. — А?!. Олимбек ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо туришга ҳоли, бақиршига мадори етмай, сўрига гўл этиб йилқиди. Адҳам ДАМИН.



тўйғу-я! Қалбдаги пинҳоний изтиробларини-чи, эҳ-же... Оламнинг Эрам боғларидек фузункорлиги, охангаробдек сехрилиги муҳаббатда экан. Хаёлот ширин, хаёлот гўзал, хаёлот учқур эди. Мухаббатга етишмоқ барчасидан аёло. Олимбекка ўз ҳаёти бачкана кўрина бошлади. Уч кун бурун қайнониси билан жанжаллашиб отасиникига кетиб қолган хотинини эслаганда пучқ бурни жийририлди, бит кўзлари тагинам қисилди, пешонасидан ажин ўрмалаб ўтди. Сўнг Суксуройни йўлаб чиройи очилди. Худди шу пайт онаси хужмага ўтди. — Уша пандавоқини унут, на чиройида бор, на бошқадда. Тагин шу туришига тегманозик: битта гап кам, иккитаси ортиқча у ойимтиллога. Агар пари-пайкардек хурлиқо меники бўлсин десанг, амманнинг бузоғидек ўшайиб ўтирма... Олимбек «нима қилай», дегандек ер сузганга қасдига термулди. Онаси хужуми давом эттирди! — Фурсат қанимат, ўша чиллаширнинг бахридан ўт, шу бугунку кўч-кўронини жўнат, орани очиб қил. Ана ун-

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилыоти ҳудудий бўлими жиноят, фуқаролик ва хўжалик судларининг қарорлари ва ҳукмига асосан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига боғжона қонун-қоидаларини бузиб, ноқонуний равишда, яъни контрабанда йўли билан мол-мулкни олиб киришда фойдаланилган автототтранспорт воситаларининг кимосиди савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ Савдога куйидагилар қўйилади:

- 1. «АЗАК» М-21406 русумли автомобиль, давлат рақами 11 V 50 46, техник носоз, бошланғич нархи — 400 000 сўм.
2. «ГАЗ-66» русумли автомобиль, давлат рақами 11 L 63 91, техник носоз, бошланғич нархи — 1 438 267 сўм 12 тийин.
3. «УАЗ-469» русумли автомобиль, давлат рақами 11 N 03 65, техник носоз, бошланғич нархи — 240 000 сўм.
Кимосиди савдоси (аукцион) 2006 йил 18 апрель кунни соат 11.00 да Судлар департаментининг Тошкент вилыоти ҳудудий бўлимида — Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қаватида ўтказилади.
Кимосиди савдосида қатнашадиган қорхоналар, фуқаролар бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорда тўлов тўлаб қатнашишлари мумкин.
Кимосиди савдосида қатнашиш учун аризаларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтиш Тошкент вилыоти Тошкент туман суд ижрочилар бўлинимасида яқшанба кунидан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар давом этади. Ариза қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказиларган кундан 3 кун олдин тўхтатилади.
Кимосиди савдоси Тошкент вилыоти Судлар департаменти биносида бўлиб ўтади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават.
Тошкент тумани, генерал К. Гафуров кўчаси, 10-уй (ариза қабул қилиш).
Маълумот учун телефонлар: 152-73-43, 53-08-78, (8-296) 53-718.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with columns for 'ШАНБА 8' and 'ТОШКЕНТ'. It lists TV programs such as 'Ўзбекистон 1TV', 'ЁШААР', and 'СПОРТ' with their respective broadcast times.

Table with columns for 'ТОШКЕНТ' and 'ЯҚШАНБА 9'. It lists TV programs such as 'Ўзбекистон 1TV', 'ЁШААР', and 'СПОРТ' with their respective broadcast times.

Table with columns for 'ТОШКЕНТ' and 'СПОРТ'. It lists TV programs such as 'Ўзбекистон 1TV', 'ЁШААР', and 'СПОРТ' with their respective broadcast times.

TOШKЕНT ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Тошкент вилыоти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрлиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.